

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Б.Т.Салимов, А.Абдуғаниев, М.С.Юсупов**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ  
ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент – 2007**

**Б.Т.Салимов, А.Абдуғаниев, М.С.Юсупов.** Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва ривожлантириш истиқболлари // Ўқув қўлланма– Т.: ТДИУ - 2007 й. 54 бет

Мазкур қўлланмада мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, тармоқда босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари, мева-сабзавотчилик ва узумчилик ҳамда чорвачилик тармоқларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мазмуни ҳақида сўз юритилади.

Ўқув қўлланмада қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хўжаликларининг ривожланиши, қишлоқ хўжалигида моддий-техника таъминоти, бозор инфратузилмалари ва сервис хизматини ривожлантириш, истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, ер-сув ислохотларнинг моҳияти ва йўналишларига бағишланган масалалар ўз аксини топган.

Мазкур ўқув қўлланма қишлоқ хўжалигини ҳудудий ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда, олий ва ўрта махсус таълим юртлари талабалари, тингловчилари учун маърузалар ўқишда ҳамда докторант, аспирантлар ва изланувчилар учун илмий тадқиқот ишларида фойдаланишга тавсия этилади.

## МУНДАРИЖА

<b>I. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.....</b>	<b>4</b>
1.1. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва ривожланиш суръатлари.....	4
1.2. Ўсимликчилик тармоғининг ривожланиш кўрсаткичлари.....	6
1.3. Чорвачилик тармоғининг ривожланиш кўрсаткичлари.....	10
<b>II. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хўжалиklarининг ривожланиши .....</b>	<b>12</b>
2.1. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	12
2.2. Ширкат хўжалиklари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланиш кўрсаткичлари.....	14
2.3. Фермер хўжалиklarини ривожлантириш кўрсаткичлари.....	17
2.4. Дехқон хўжалиklarини ривожлантириш кўрсаткичлари.....	20
<b>III. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари.....</b>	<b>22</b>
3.1. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва йўналишлари.....	22
3.2. Маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг моҳияти ва йўналишлари.....	24
3.2.1. Ислохотларнинг қонуний-меъёрий асосларини яратиш.....	24
3.2.2. Шартномавий муносабатларни такомиллаштириш.....	26
3.3. Мулкий ва таркибий ислохотларнинг моҳияти ва йўналишлари.....	29
3.3.1. Мулк ислохоти.....	29
3.3.2. Зарар келтириб ишлаётган истикболсиз ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айланттириш.....	29
3.3.3. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш.....	37
3.3.4. Агрофирмаларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари.....	39
3.3.5. Чорвачилик тармоғида ислохотларни чуқурлаштириш.....	39
3.4. Ер-сув ислохотларнинг моҳияти ва йўналишлари.....	40
3.4.1. Ер ислохоти.....	40
3.4.2. Сув ислохоти.....	40
3.5. Молия-кредит, солиқ ва нарх ислохотлари.....	41
3.5.1. Нарх ислохоти.....	41
3.5.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини молиялаштириш ва кредитлаш.....	41
4. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника таъминоти, бозор инфратузилмалари ва сервис хизматини ривожлантириш.....	43
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	45
Иловалар.....	47

# I. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

## 1.1. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва ривожланиш суръатлари

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат тармоқларининг эса хом - ашёга бўлган талабини қондиради.

Қишлоқ хўжалиги 2005 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25,0 %ни етиштириб берди, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 29,1 % қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди (1-жадвал).

1-жадвал



### Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари (ҳақиқий баҳоларда, млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	4925,3	7450,2	9844,0	12261,0	15210,4
<b>Шу жумладан: қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти</b>	<b>1476,3</b>	<b>2244,2</b>	<b>2801,8</b>	<b>3242,3</b>	<b>3801,6</b>
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги салмоғи, %да	30,0	30,1	28,4	26,4	25,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1320,9	1526,6	1978,1	2629,0	3165,2
<b>Шу жумладан: қишлоқ хўжалиги тармоғига</b>	<b>71,8</b>	<b>102,2</b>	<b>98,5</b>	<b>113,6</b>	<b>137,9</b>
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, %да	5,5	6,7	5,0	4,3	4,4
Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони, минг киши	9136,0	9333,0	9589,0	9910,0	10196,3
<b>Шу жумладан: қишлоқ хўжалигида банд</b>	<b>3054,0</b>	<b>3038,3</b>	<b>3055,0</b>	<b>3035,2</b>	<b>2967,4</b>
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, %да	33,4	32,6	31,9	30,6	29,1

Ўтган 2001-2005 йиллар оралиғида жорий баҳоларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати ўсиб бориш динамикасига эга бўлган. Хусусан, бу кўрсаткич 2001 йилдаги 1 476,3 млрд. сўмдан 2005 йилда 3 801,6 млрд. сўмга етган ёки 257,5 %га ўсган.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2001 йилдаги 30,0 %дан 2005 йилда 25,0 %га пасайиши ижобий ҳолдир. Бу мамлакат иқтисодиётида саноат ва бошқа индустриал соҳалар ривожланишининг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Иқтисодиёт тармоқлари ичида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш улушининг ўзгариб бориши динамикаси 1-диаграммада тасвирланган.



**1-диаграмма. Ялпи ички маҳсулотда тармоқларнинг улуши**

Республикаимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ўсиб бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**Қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд. сўм (ҳақиқий баҳоларда)	2104,8	3255,3	4083,3	4615,8	5978,3
ш.ж. ўсимликчиликда	1086,0	1648,8	2102,0	2432,1	3323,1
Чорвачиликда	1018,8	1606,5	1981,3	2183,7	2655,2
ўсимликчилик маҳсулоти салмоғи, % да	51,6	50,6	51,6	53,7	55,6
чорвачилик маҳсулоти салмоғи, % да	48,4	49,4	48,4	46,3	44,4
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да	104,2	106,0	107,3	108,9	105,4

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг жорий баҳоларда ўсиш суръатлари шу давр оралиғида 2,84 мартани, ўсимликчилик маҳсулотлари қийматида 3,09 мартани, чорвачилик маҳсулотларида 2,6 мартани ташкил этди.


Қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик тармоғи маҳсулотларининг салмоғи ортиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида унинг салмоғи 51,6 %дан 55,6 %гача ўсган, чорвачилик тармоғининг салмоғи эса 48,4 %дан 44,4 %га камайган.

## 1.2. Ўсимликчилик тармоғининг ривожланиш кўрсаткичлари

Ўсимликчилик қишлоқ хўжалигининг энг асосий ва йирик тармоқларидан биридир. Бу тармоқда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 55 %дан кўпроғи яратилмоқда.

Республикамизнинг умумий ер майдони ҳажми 2006 йил 1 январ ҳолатига 44410,3 минг гектарни ташкил этган бўлиб, унинг 22371,3 минг гектарини ёки 50,4 %ни қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 4034,1 минг гектарини ҳайдалиб деҳқончилик қилинадиган ерлар, 321,7 минг гектарини кўп йиллик дарахтзорлар, 12850,1 минг гектарини яйлов ва пичанзорлар ва 5165,4 минг гектарини бошқа қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ташкил этади (2-диаграмма).

Қишлоқ хўжалигида экин майдонларининг умумий майдони 2001-2005 йиллар оралиғида сезиларли кенгайиб, 3444,5 минг гектардан 3647,5 минг гектарга етган ёки 105,9 %га ошган (3-жадвал). Экин майдонлари таркибида асосий ўринни буғдой ва пахта экинлари эгаллаб келмоқда. 2005 йилда жами экин майдонининг 1439,7 минг гектарига дон экинлари, 1472,3 минг гектарига пахта етиштирилди. Шу йиллар оралиғида буғдой майдони 118,0 %га, пахта майдони 101,4 %га кенгайган.




2-диаграмма. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркиби, минг гектарда

Экин майдонлари таркиби (барча тоифадаги хўжаликларда), минг гектарда

Кўрсаткичлар	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2005 й. 2001 й.га нис.% да
Жами экин майдони	3444,5	3540,8	3790,1	3695,7	3647,5	105,9
Дон жами, шундан:.	1393,7	1533,4	1790,9	1667,1	1616,1	116,0
Буғдой	1219,8	1282,6	1507,6	1470,4	1439,7	118,0
Маккажўхори	38,7	35,1	34,7	34,8	33,6	86,8
Шоли	39,5	64,4	121,0	66,1	52,5	132,9
Техника экинлари	1500,3	1462,2	1445,0	1518,5	1518,4	101,2
ш.ж., Пахта	1452,1	1421,0	1393,0	1456,3	1472,3	101,4
Картошка	50,8	48,9	49,2	52,1	49,8	98,0
Сабзавотлар	131,2	127,5	145,6	137,6	137,7	105,0
Полиз экинлари	35,6	37,3	41,3	34,7	33,9	95,2
Мева	207,4	203,8	201,5	203,1	208,2	100,4
Узум	120,0	119,9	118,2	117,1	120,7	100,6
Ем-хашак экинлари	331,2	329,1	316,5	284,2	290,3	87,6

Асосий экин турлари буғдой ва пахта бўлиб қолмоқда. 2005 йилда жами экин майдонининг 39,5 %га буғдой ва 40,4 %ига пахта етиштирилди. Булардан ташқари картошка (1,4 %), сабзавотлар (3,8 %), полиз экинлари (0,9 %), ем-хашак экинлари (8,0 %) ва бошқа техника экинлари (1,2 %) етиштирилади (3-диаграмма). Экин майдонлари таркибида ем-хашак экинларининг салмоғи камайиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда.



3-диаграмма. Экин майдонлари таркиби, %да

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми узлуксиз ўсиб бориш хусусиятига эга бўлмоқда. Хусусан, 2001-2005 йиллар оралиғида буғдой ишлаб чиқариш ҳажми 160,6 %га, пахта ишлаб чиқариш 111,5 %га, картошка ишлаб чиқариш 124,2 %га, сабзавотлар ишлаб чиқариш 126,6 %га, полиз экинлари 132,0 %га, мева 118,5 %га ва узум 112,0 %га ошган (4-жадвал). Арпа (81,5 %) ва илдизмевали озуқалардан (57,7 %) ташқари бошқа барча турдаги ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сезиларли ўсишга эришилди.

Шуниси диққатга сазоворки, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари шу маҳсулотлар экин майдонларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлмоқда. Таққослаш учун, шу йиллар оралиғида буғдой майдони 118,0 %га, пахта майдони 101,4 %га, сабзавотлар майдони 105,0 %га, мевазорлар майдони 100,4 %га ва узумзорлар майдони 100,6 %га ўсган бўлса, картошка майдони 98,0 %га, полиз экинлари майдони 95,2 %га ва ем-хашак экинлари майдони 87,6 %га пасайган эди (3-жадвал). Бунга қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб иқтисодий, таркибий ва институционал ислоҳотлар натижалари туфайли эришилмоқда.

#### 4-жадвал

#### Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси (барча тоифадаги хўжаликларда, минг тонна)

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004	2005	2005 й. 2001 й.га нисбатан, % да
Дон экинлари жами:	4072,4	5550,8	6103,1	5868,8	6401,8	157,2
Буғдой	3689,8	4967,4	5436,8	5377,5	5927,8	160,6
Арпа	134,4	220,9	155,3	107,9	109,5	81,5
Маккажўхори – донга	141,3	147,1	146,3	156,4	164,3	116,3
Шоли	83,4	175,1	333,7	181,2	165,8	198,8
Дон-дуккаклилар	10,4	21,0	17,5	25,0	21,7	208,6
Пахта	3264,6	3122,4	2803,3	3536,8	3749,0	114,8
Картошка	744,4	777,2	834,4	895,7	924,2	124,2
Сабзавотлар	2777,8	2935,6	3301,4	3336,1	3517,5	126,6
Полиз	466,1	479,1	587,3	572,5	615,3	132,0
Мева	801,3	842,9	765,8	851,7	949,3	118,5
Узум	573,1	516,4	401,5	589,1	641,6	112,0
Маккажўхори – кўк массага	2541,2	2940,9	2802,5	2805,0	2721,4	107,1
Илдиз мевали озуқалар	89,1	80,2	70,6	60,9	51,4	57,7
Пичан	1130,2	1229,7	1135,9	1054,1	1176,6	104,1

Ўтган беш йил давомида асосий ўсимликчилик маҳсулотларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари муттасил ўсиб бориш динамикасига эга бўлди (5-жадвал). Хусусан, 2001 йилга нисбатан буғдой ҳосилдорлиги гектарига 30,8 ц.дан 41,5 ц.га ёки 134,7 %га, пахта ҳосилдорлиги 22,5 ц.дан 24,7 ц.га ёки 109,7 %га, картошка ҳосилдорлиги 131,9 ц.дан 170,3 ц.га ёки 129,1 %га, сабзавотлар ҳосилдорлиги 185,7 ц.дан 215,8 ц.га ёки 116,2 %га, полиз экинлари




ҳосилдорлиги 135,6 ц.дан 169,1 ц.га ёки 124,7 %га ошган. Арпа ва дон-дуккакли экинлардан ташқари барча экин турлари ҳосилдорлиги сезиларли ошган.

**5-жадвал**

**Асосий ўсимликчилик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги**  
(барча тоифадаги хўжаликларда, ц /га)

Кўрсаткичлар	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2005 й. 2001 й.га нисбатан, %да
Дон экинлари, ш.ж.	30,0	36,4	34,3	35,4	39,8	132,7
Бугдой	30,8	39,0	36,4	37	41,5	134,7
Арпа	18,0	16,9	14,2	13,9	15,7	87,2
Маккажўхори - донга	35,9	38,6	40,3	42,1	44,5	124,0
Шоли	26,8	28,3	27,9	27,7	31,8	118,6
Дон-дуккаклилар	12,5	10,9	11,4	11,8	11,5	92,0
Пахта	22,5	22	20,5	24,6	24,7	109,7
Картошка	131,9	143,7	152,5	157,5	170,3	129,1
Сабзавотлар	185,7	193,8	200,9	203,1	215,8	116,2
Полиз	135,6	127,1	141,4	157	169,1	124,7
Мева	56	57,8	52,5	58,2	62,3	111,2
Узум	57,6	51	41,2	60,8	64,7	112,3
Маккажўхори – кўк массага	159,7	164,3	168,8	172,6	185,1	115,9



**1-график. Ўсимликчилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги, ц /га**

Қайд этилаётган ўсиш суръатларига фақатгина об-ҳавонинг қулай келиши натижасида эмас, балки зарар билан ишлаётган ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжалиқларини ташкил этиш, корхоналарни кредитлашнинг янги механизмларини жорий этиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, зарур миқдордаги уруғлик, нефт маҳсулотлари ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида таъминлаш ҳамда шартнома муносабатларини такомиллаштириш эвазига эришилмоқда.

### 1.3. Чорвачилик тармоғининг ривожланиш кўрсаткичлари

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг асосий ва йирик тармоқларидан биридир. Бу тармоқда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 44 %дан кўпроғи яратилмоқда. Чорвачилик тармоғини ривожлантириш аҳолини гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишга хизмат қилади.

Чорвачилик тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар ҳамда бу соҳа ривожига ҳукуматимиз томонидан берилаётган жиддий эътибор натижасида чорва моллари бош сони муттасил ўсиб бориш динамикасига эга бўлмоқда. (6-жадвал).

6-жадвал

**Чорвачилик тармоғида мавжуд чорва моллари бош сони**  
(барча тоифадаги хўжалиқларда, минг бош)

Кўрсаткичлар	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2005 й. 2001 й.га нисбатан, %да
Йирик шохли қорамол	5416,1	5477,6	5878,8	6232,6	6534,9	120,6
Қўй ва эчкилар	9022,6	9233,9	9928,6	10560,3	11248,4	124,7
Чўчқалар	81,6	75,4	89,9	83,8	87,6	107,3
Паррандалар	14828,7	15354,9	17675,7	18726,9	20670,6	139,4

Ўтган 2001-2005 йиллар оралиғида республикамизда йирик шохли қорамоллар бош сони 5416,1 минг бошдан 6534,9 минг бошга ёки 120,6 %га, чўчқалар бош сони 81,6 минг бошдан 87,6 минг бошга ёки 107,3 %га, қўй ва эчкилар сони 9022,6 минг бошдан 11248,4 минг бошга ёки 124,7 %га, паррандалар сони 14828,7 минг бошдан 20670,6 минг бошга ёки 139,4 %га ошган.

**Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**  
(барча тоифадаги хўжаликларда, минг тоннада)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2001 й</b>	<b>2002 й</b>	<b>2003 й</b>	<b>2004 й</b>	<b>2005 й</b>	<b>2005 й. 2001 й.га нисбатан, %да</b>
Гўшт (сўйилган вазнда)	507,6	513,1	561,3	598,2	632,6	124,6
Сут	3665,2	3721,3	4031,1	4280,5	4554,9	124,3
Тухум, млн. дона	1287,8	1368,9	1632,4	1860,3	1966,7	152,7
Жун (физик оғирликда)	16,0	16,6	17,8	19,0	20,1	125,6
Қоракўл тери, минг дона	728,8	688,1	690,8	674,8	688,8	94,5
Пилла	17,3	19,9	16,7	16,9	16,2	93,6

Ўтган 2001-2005 йиллар давомида барча тоифадаги хўжаликлар бўйича гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 124,6 %га, сут ишлаб чиқариш 124,3 %га, тухум ишлаб чиқариш 152,7 %га ва жун ишлаб чиқариш 125,6 %га ўсганлиги ижобий ҳолдир. Шу билан бирга 2001 йилга нисбатан қоракўл тери ишлаб чиқариш ҳажми 94,5 %ни ва пилла ишлаб чиқариш 93,6 %ни ташкил этгани бу соҳа ривожига маълум бир муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан дарак беради.

## II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

### 2.1. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари тугган ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг “Мулк тўғрисида”ги қонунига мувофиқ республикада қишлоқ хўжалигида қуйидаги мулк турларига асосланган корхоналар фаолият кўрсатиши мумкин:



#### 1-чизма. Қишлоқ хўжалигида мулк ва хўжалик юритиш шакллари

Статистик маълумотларга қараганда 2005 йил якуни бўйича республикада 7276 қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, 1114 ширкат хўжаликлари, 125,7 минг фермер хўжаликлари ва 4481,7 минг деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатган<sup>1</sup>. 2006 йилнинг 1 октябр ҳолатига келиб эса фермер хўжаликлари сони 185,492 мингтани ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари тубдан ислоҳ қилиниб, хусусий сектор аҳамиятининг кескин ошиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида ширкат хўжаликларининг салмоғи 2001 йилдаги 27,3 %дан 2005 йилда 14,0 %га тушган, яъни деярли икки марта камайган. Шу давр оралиғида фермер хўжаликлари салмоғи ошиб бориб, 7,3 %дан 24,3 %га етган, ёки 3 баробардан зиёдроқ ўсган (8-жадвал). Узоқ йиллар давомида асосий ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириб берувчи бўлиб келган ширкат


<sup>1</sup> Сельское хозяйство Узбекистана 2005, Госкомстат, Ташкент-2006, 35-39 стр.

хўжалиklarининг ўсимликчилик ялпи маҳсулотидаги салмоғи шу ораликда 45,1 %дан 21,3 %га тушган, ёки 2 баробардан зиёд камайган. Чорвачилик тармоғида ханузгача асосий маҳсулот етиштириб берувчи дехқон хўжаликлари бўлиб қолмоқда. Уларнинг чорвачилик ялпи маҳсулотидаги ҳиссаси 90 %дан зиёдни ташкил этмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжалиklarининг салмоғи бироз ошиб, 2001 йилдаги 1,5 %дан 2005 йилда 2,7 %га етган.

### 8-жадвал

#### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг мулк шакллари бўйича таркиби, % да

Йиллар	Барча турдаги хўжалиklarда	Шу жумладан		
		Қишлоқ хўжалиги корхоналарида	Фермер хўжалиklarларида	Дехқон хўжалиklarларида
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида				
2001	100	27,3	7,3	65,4
2002	100	25,9	10,0	64,1
2003	100	22,2	15,1	62,7
2004	100	19,3	18,6	62,1
2005	100	14,0	24,3	61,7
Ўсимликчилик маҳсулоти таркибида				
2001	100	45,1	12,8	42,1
2002	100	42,6	17,8	39,6
2003	100	35,9	27,2	36,9
2004	100	31,6	32,9	35,5
2005	100	21,3	41,6	37,1
Чорвачилик маҳсулоти таркибида				
2001	100	8,3	1,5	90,2
2002	100	8,7	2,0	89,3
2003	100	7,8	2,1	90,1
2004	100	5,5	2,6	91,9
2005	100	4,7	2,7	92,6



**4-диаграмма. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг мулк шакллари бўйича таркиби**

**2.2. Ширкат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланиш кўрсаткичлари**

2005 йил якуни бўйича республикада 7276 та қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, 1114 та ширкат хўжаликлари фаолият кўрсатган .

9-жадвал

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2005 й. 2002 й.га нисб. (%)
Қишлоқ хўж-к корхоналари	Дона	7210	8059	7671	7276	100,9
ш.ж. ширкат хўжаликлари	Дона	1955	1827	1533	1114	57,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсу-лоти қиймати (ҳақ.. баҳода)	млрд. сўм	842,4	908,8	890,3	835,4	99,2
<b>Экин майдони, ш.ж.</b>	минг га	2145,1	1967,0	1499,8	1064,9	49,6
Дон экинлари	минг га	930,8	912,1	661,8	475,9	51,1
Техника экинлари, жами	минг га	981,7	847,2	691,5	473,4	48,2
ш.ж. Пахта	минг га	957,1	820,0	663,1	456,9	46,8
Картошка	минг га	4,5	3,4	3,7	1,9	42,2
Сабзавотлар	минг га	25,8	34,1	21,2	16,6	64,3
Полиз экинлари	минг га	12,7	8,5	5,0	3,3	26,0
Ем-хашак экинлари	минг га	187,3	160,2	115,3	92,8	49,5
<b>Чорва моллари бош сони:</b>						
Йирик шохли қорамол	минг бош	336,2	284,2	232,7	177,8	52,9
Шундан, сигирлар	минг бош	111,6	94,4	76,2	59,7	53,5
Қўй ва эчкилар	минг бош	2466,4	2460,8	2451,7	2433,1	98,6
Паррандалар	минг бош	5143,9	5620,9	5187,4	5229,7	101,7
<b>Маҳсулот ишлаб чиқариш:</b>						
Дон	минг тон.	3197,4	2927,9	2130,3	1732,8	42,9
Пахта	минг тон.	2225,7	1741,8	1711,7	1263,9	55,3
Картошка	минг тон.	59,1	49,7	47,7	27,5	46,5
Сабзавотлар	минг тон.	487,3	626,0	368,5	321,2	65,9
Полиз	минг тон.	94,2	77,8	47,1	33,1	35,1
Мева	минг тон.	287,0	231,5	220,6	207,3	72,2
Узум	минг тон.	253,6	160,5	270,0	252,8	99,7
Гўшт (сўйилган вазнда)	минг тон.	23,9	24,3	21,9	20,8	87,0
Сут	минг тон.	95,3	81,9	64,1	51,0	53,5
Тухум	млн. дона	559,3	699,1	782,3	729,3	130,4
Жун (физик оғирликда)	минг тон.	3,8	3,9	3,9	3,5	92,1
Қоракўл тери	минг тон.	427,1	401,9	336,0	273,6	64,1
Пилла	минг тон.	19,0	14,9	12,6	9,3	48,9
<b>Ҳосилдорлик:</b>						
Дон	ц /га	34,8	32,7	33,0	37,3	107,2
Картошка	ц /га	111,3	113,1	103,7	109,7	98,6
Сабзавот	ц /га	168,2	175,0	151,8	168,1	99,9

<sup>2</sup> «Сельское хозяйство Узбекистана 2005», статсборник, Госкомстат, Ташкент, 2006

Полиз	ц/га	79,6	106,1	100,6	104,9	131,7
-------	------	------	-------	-------	-------	-------

Қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкат хўжаликлари) 1998 йилгача аграр тармоқда қишлоқ маҳсулотлари етиштириб берувчи асосий хўжалик юритиш шаклларида бири бўлиб келган. Уларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидagi улуши 1998 йилда 33,7 %ни ташкил этган. Аммо, аксарият ширкат хўжаликларида иқтисодий самарадорликнинг пастлиги оқибатида сурункали равишда зарар билан ишлаш ҳолатлари юзага кела бошлади.

#### 10-жадвал

#### Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1998	1999	2000
Жами хўжаликлар сони	Дона	3111	3099	3042
Шундан: зарар келтириб ишлаётганлари	Дона	951	700	683
жамига нисбатан % да	%	30,6	22,7	22,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган фойда (+), зарар (-)	млрд. сўм	- 28,7	- 1,8	- 24,2
Маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	- 16,2	- 0,8	- 7,3

2002 йил якунига келиб республикада мавжуд жами 2018 қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 1700 таси ёки 84,2 %и зарар билан ишлаган.

#### 11-жадвал

#### 2002 йилни зарар билан яқунлаган қишлоқ хўжалиги корхоналари

Вилоятлар	Жами қишлоқ хўжалиги корхоналари	Шу жумладан йилни зарар билан яқунлаганлари		
		Сони	салмоғи, %да	зарар қиймати, млрд. сўм
Қорақалпоғистон Республикаси	143	112	78,3	23,3
Андижон	191	175	91,6	18,6
Бухоро	140	109	77,8	8,2
Жиззах	157	151	96,2	21,0
Қашқадарё	194	126	64,9	9,0
Навоий	81	66	81,5	2,4
Наманган	145	133	91,7	21,3
Самарқанд	248	228	91,9	22,9
Сурхондарё	157	131	83,4	14,6
Сирдарё	91	86	94,5	24,0
Тошкент	191	135	70,7	5,2
Фарғона	162	139	85,8	22,7
Хоразм	118	109	92,4	31,3
Жами	2018	1700	84,2	224,5

<sup>3</sup> Сельское хозяйство Узбекистана 2000, статистический сборник, Госдепстат, Ташкент-2001

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги

Республикада хукумати томонидан уларни “иқтисодий соғломлаштириш” юзасидан амалга оширилган санациялаш тадбирлари кутилган натижани бермади. 1999 йилдан бошлаб зарар келтириб келтириб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айлантириш жараёни давом этмоқда. Натижада уларнинг сони ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи кескин камайиб бораётганлигини кўриш мумкин. 2002-2005 йиллар оралиғида ширкат хўжалиklари сони 43,0 %га, уларга бириктирилган экин майдонлари 51,4 %га, йирик шохли қорамоллар бош сони 47,1 %га қисқарган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2002 йилга нисбатан пахта бўйича 55,3 %ни, дон бўйича 42,9 %ни, гўшт бўйича 87,0 %ни ва сут бўйича 53,5 %ни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аграр тармоқ ишлаб чиқаришидаги салмоғининг ўзгариб бориш динамикасини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

12-жадвал

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқаришдаги салмоғи**  
(барча тоифадаги хўжалиklарга нисбатан % да)

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004	2005
<b>Экин майдонлари ва чорва моллари бош сониди:</b>					
Жами экин майдони, ш.ж.	68,6	60,6	51,9	40,6	29,2
Пахта	77,0	67,4	58,9	45,5	31,0
Дон экинлари	67,2	60,7	50,9	39,7	29,4
Картошка	13,0	9,2	6,9	7,1	3,8
Сабзавотлар	23,5	20,2	23,4	15,4	12,1
Полиз экинлари	42,1	34,0	20,6	14,4	9,7
Ем-хашак экинлари	66,2	56,9	50,6	40,6	32,0
Йирик шохли қорамол	8,1	6,1	4,8	3,7	2,7
ш.ж. сигирлар	6,2	4,6	3,7	2,8	2,1
Қўй ва эчкилар	27,4	26,7	24,8	23,2	21,4
Чўчқалар	38,8	32,5	34,8	25,8	21,3
Паррандалар	33,8	33,5	31,8	27,7	25,3
Отлар	21,8	19,5	17,1	15,0	12,7
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда:</b>					
Пахта хом ашёси	78,3	71,0	62,2	48,3	33,7
Дон маҳсулотлари	62,9	57,6	48,0	36,3	27,0
Картошка	10,8	7,6	6,0	5,3	3,0
Сабзавотлар	19,0	16,6	19,0	11,0	9,1
Полиз маҳсулотлари	25,7	19,7	13,2	8,2	5,4
Мева	34,3	34,0	30,2	25,9	21,8
Ўзум	55,9	49,1	40,0	45,8	39,4
Гўшт	6,7	4,7	4,3	3,7	3,3
Сут	3,6	2,6	2,0	1,5	1,1
Тухум	36,5	40,8	42,8	42,0	37,1
Жун	21,8	23,0	22,0	20,7	17,4
Қорақўл тери	64,1	62,1	58,2	49,8	39,7
Пилла	97,6	95,3	89,5	74,7	57,0



### 2.3. Фермер хўжаликларини ривожлантириш кўрсаткичлари

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида тез суръатлар билан ривожланаётган тадбиркорлик шаклларида бири фермер хўжаликлари дир. 2005 йили фермер хўжаликлари ҳиссасига қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 24,3 %и, ўсимликчилик ялпи маҳсулотининг 41,6 %и ва чорвачилик ялпи маҳсулотининг 2,7 %и тўғри келди.

13-жадвал

#### Фермер хўжаликларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари<sup>4</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2002	2003	2004	2005	2005 й. 2002 й.га нисб. (%)
Хўжаликлар сони	минг дона	72,4	87,6	103,9	125,7	173,6
Қишлоқ хўжалиги маҳсуло-ти қиймати (ҳақиқ. баҳода)	млрд. сўм	325,6	615,0	857,7	1453,5	446,4
Жами ер майдони	минг га	1591,7	2148,1	2935,4	3775,3	237,2
<b>Экин майдони, ш.ж.</b>	минг га	991,6	1401,9	1762,6	2140,7	215,9
Дон экинлари	минг га	414,0	680,3	805,3	932,0	225,1
Техника экинлари, жами	минг га	473,4	590,0	816,6	1034,9	218,6
ш.ж. Пахта	минг га	463,9	573,0	793,2	1015,4	218,9
Картошка	минг га	2,1	2,2	3,3	2,9	138,1
Сабзавотлар	минг га	10,5	17,5	19,0	21,7	206,6
Полиз экинлари	минг га	8,8	17,0	14,4	14,8	168,2
Ем-хашак экинлари	минг га	82,8	94,9	104,0	134,3	162,2
<b>Чорва моллари бош сони:</b>						
Йирик шохли қорамол	минг бош	273,4	291,6	311,9	332,3	121,5
Шундан, сигирлар	минг бош	85,6	91,7	97,0	105,4	123,1
Қўй ва эчкилар	минг бош	274,0	309,4	419,5	501,1	182,9
<b>Маҳсулот ишлаб чиқариш:</b>						
Дон	минг тон.	1480,0	2201,4	2717,7	3550,5	239,9
Пахта	минг тон.	896,7	1061,5	1825,1	2485,1	277,1
Картошка	минг тон.	29,9	33,5	44,5	45,9	153,5
Сабзавотлар	минг тон.	218,6	353,5	389,7	480,3	219,7
Полиз	минг тон.	78,9	177,8	174,1	205,7	260,7
Мева	минг тон.	59,5	56,6	109,9	175,5	294,9
Узум	минг тон.	34,0	22,5	59,7	89,3	262,6
Гўшт (сўйилган вазнда)	минг тон.	10,2	11,3	13,7	13,8	135,3
Сут	минг тон.	81,6	83,5	88,8	94,7	116,0
Тухум	млн. дона	46,1	60,2	77,4	71,6	155,3
Жун (физик оғирликда)	минг тон.	0,3	0,3	0,4	0,6	200,0
Қоракўл тери	минг тон.	14,1	14,3	16,0	25,0	177,3
Пилла	минг тон.	0,9	1,8	4,3	6,9	766,6
<b>Ҳосилдорлик:</b>						
Дон	ц /га	35,9	32,6	33,9	38,3	106,7
Картошка	ц /га	129,4	135,4	120,3	132,5	102,4
Сабзавот	ц /га	188,4	190,6	172,4	181,6	96,4

<sup>4</sup> Сельское хозяйство Узбекистана 2005, статсборник, Госкомстат, Ташкент-2006

Полиз	ц /га	97,4	111,6	125,8	134,0	137,6
-------	-------	------	-------	-------	-------	-------

Республикамизда зарар келтириб ишлаётган истикболсиз ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли давлат дастурлари натижасида йилдан-йилга уларнинг сони ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юксалиб бормокда. Хусусан, 2002-2005 йиллар оралиғида фермер хўжаликларининг сони 173,6 %га, уларга бириктирилган ер майдонлари ҳажми 237,2 %га, экин майдонлари 215,9 %га ошди.

Фермерлар қаромоғидаги чорва моллари бош сони ҳам муттасил ўсиб бормокда. Жумладан, ўтган давр мобайнида йирик шохли қорамоллар бош сони 121,5 %га, қўй ва эчкилар бош сони 182,9 %га кўпайди.

Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари юқорилиги аҳамиятга моликдир. Хусусан, 2002-2005 йилларда пахта майдони 218,9 %га, дон майдони 225,1 %га ўсгани ҳолда, пахта ишлаб чиқариш ҳажми 277,1 %га ва дон ишлаб чиқариш ҳажми 239,9 %га ўсганини таъкидлаб ўтиш лозим. Булардан ташқари сабзавотлар ҳажми 219,7 %га, полиз ҳажми 260,7 %га, гўшт ишлаб чиқариш 135,3 %га, сут 116,0 %га, тухум 155,3 %га ва жун 200,0 %га ошган. Айниқса пилла маҳсулоти кескин ошиб, 2002 йилга нисбатан 7,66 марта кўпайган.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ҳам ўсиб борган. Масалан, шу йиллар давомида дон экинлари ҳосилдорлиги 106,7 %га, картошка ҳосилдорлиги 102,4 %га, полиз экинлари ҳосилдорлиги 137,6 %га ошганини кўриш мумкин. Фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги ҳам йил сайин юксалиб бориб, 2002 йилдаги 19,3 ц.дан 2005 йилда 24,0 ц.га етган (2-илова).

Республика бўйича фермер хўжаликларининг ўртача ҳажми йил сайин йириклашиб бориш тенденциясига эга бўлмокда. 2005 йил якунига кўра ўртача бир фермер хўжалигига 30,0 гектар ер майдони, 17,0 гектар экин майдони, 2,6 бош йирик шохли қорамол, 4,0 бош қўй ва эчкилар тўғри келган. 2002 йил билан таққослаганда ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келувчи қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 257,1 %га, умумий ер майдони ҳажми 136,4 %га, экин майдони 124,1 %га ўсган.

#### 14-жадвал

#### Республикада фермер хўжаликларининг ўртача ҳажм кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2005 й. 2002 й.га нисб. (%)
<b>Ўртача бир хўжаликка тўғри келади:</b>						
1. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати	минг сўм	4497,2	7020,6	8255,0	11563,2	257,1
2. Ер майдони	га	22,0	24,5	28,3	30,0	136,4
3. Экин майдони	га	13,7	16,0	17,0	17,0	124,1
4. Йирик шохли қорамол	бош	3,8	3,3	3,0	2,6	68,4
5. Қўй ва эчкилар	бош	3,8	3,5	4,0	4,0	105,3

Республикаимиз ҳукумати томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан тадбирлар натижасида йилдан-йилга фермер хўжаликларининг мамлакат аграр тармоғида тутган ўрни мустаҳкамланиб, яратилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида уларнинг салмоғи ортиб бормоқда.

#### 15-жадвал

#### Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги салмоғи (барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан % да)

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004	2005
<b>Экин майдонлари ва чорва моллари бош сониди:</b>					
Жами экин майдони, ш.ж.	20,2	28,0	37,0	47,7	58,7
Пахта	23,0	32,6	41,1	54,5	69,0
Дон экинлари	19,9	27,0	38,0	48,3	57,7
Картошка	4,7	4,3	4,5	6,3	5,8
Сабзавотлар	7,8	8,2	12,0	13,8	15,7
Полиз экинлари	19,1	23,6	41,2	41,5	43,7
Ем-хашак экинлари	17,7	25,1	30,0	36,6	46,2
Йирик шохли қорамол	4,1	5,0	5,0	5,0	5,1
ш.ж. сигирлар	2,7	3,6	3,6	3,6	3,7
Қўй ва эчкилар	2,6	3,0	3,1	4,0	4,4
Чўчқалар	11,7	11,7	14,1	17,4	15,0
Паррандалар	3,7	3,9	4,4	4,1	3,7
Отлар	5,4	6,2	6,8	7,1	7,8
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда:</b>					
Пахта хом ашёси	21,7	29,0	37,8	51,7	66,3
Дон маҳсулотлари	18,3	26,7	36,1	46,3	55,5
Картошка	4,1	3,8	4,0	5,0	5,0
Сабзавотлар	6,5	7,4	10,7	11,7	13,7
Полиз маҳсулотлари	12,0	16,5	30,3	30,4	33,4
Мева	5,3	7,0	7,4	12,9	18,5
Узум	5,8	6,6	5,6	10,1	13,9
Гўшт	1,4	2,0	2,0	2,3	2,2
Сут	1,6	2,2	2,1	2,1	2,1
Тухум	3,2	3,4	3,7	4,2	3,6
Жун	1,2	1,5	1,8	2,1	3,0
Қоракўл тери	1,6	2,0	2,1	2,4	3,6
Пилла	2,4	4,7	10,5	25,3	43,0

2005 йил якунига келиб қишлоқ хўжалигидаги жами экин майдонларининг 58,7 %и, пахта майдонининг 69,0 %и, дон экинлари майдонининг 57,7 %и, полиз экинларининг 43,7 %и ва ем-хашак экинларининг 46,2 %и фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Фермерлар пахта хом ашёсининг 66,3 %ини, доннинг 55,5 %ини, сабзавотларнинг 13,7 %ини ва

полиз маҳсулотларининг 33,4 %ини етиштириб бердилар. Кейинги йилларда чорвачиликда ҳам фермерлар улушининг кўпайиб бориши кузатилмоқда.

#### 2.4. Дехқон хўжаликларини ривожлантириш кўрсаткичлари

Дехқон хўжалиги ички истеъмол ва майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ кичик тадбиркорлик фаолияти жумласига киради. Статистик маълумотларга кўра 2005 йилда республикада 4481,5 мингта дехқон хўжалиги фаолият кўрсатган ва улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 61,7 %ини, ўсимликчилик ялпи маҳсулотининг 37,1 %ини ва чорвачилик ялпи маҳсулотининг 92,6 %ини етиштириб берганлар.

16-жадвал

#### Дехқон хўжаликларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари<sup>5</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2002	2003	2004	2005	2005 й. 2002 й.га нисб. (%)
Хўжаликлар сони	минг дона	3312,4	4177,6	4377,1	4481,7	135,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсу- лоти қиймати (ҳақ. баҳода)	млрд. сўм	2087,3	2559,5	2867,8	3689,4	176,7
Жами ер майдони	минг га	486,9	493,3	497,3	509,3	104,6
<b>Экин майдони</b> , ш.ж.	минг га	404,1	421,2	433,3	441,9	109,4
Дон экинлари	минг га	188,6	198,5	200,0	208,2	110,4
Техника экинлари	минг га	7,1	7,8	10,4	10,1	142,3
Картошка	минг га	42,3	43,6	45,1	45,0	106,4
Сабзавотлар	минг га	91,2	94,0	97,4	99,4	109,0
Полиз экинлари	минг га	15,8	15,8	15,3	15,8	100,0
Ем-хашак экинлари	минг га	59,0	61,4	64,9	63,2	107,1
<b>Чорва моллари бош сони:</b>						
Йирик шохли қорамол	минг бош	4868,0	5303,0	5698,1	6061,3	124,5
Шундан, сигирлар	минг бош	2196,0	2370,6	2530,8	2656,2	120,9
Кўй ва эчкилар	минг бош	6493,5	7158,4	7708,7	8417,7	129,6
<b>Маҳсулот ишлаб чиқариш:</b>						
Дон ва дон дуккаккли	минг тон.	873,5	973,8	1020,8	1118,5	128,0
Картошка	минг тон.	688,2	751,2	803,5	850,8	123,6
Сабзавотлар	минг тон.	2229,7	2321,9	2577,9	2716,0	121,8
Полиз	минг тон.	306,0	331,7	351,3	376,5	123,0
Мева	минг тон.	496,4	477,7	521,2	566,8	114,2
Узум	минг тон.	228,8	218,5	259,4	299,5	130,9
Гўшт (сўйилган вазнда)	минг тон.	479,0	525,7	562,6	598,0	124,8
Сут	минг тон.	3544,4	3865,7	4127,6	4409,2	124,4
Тухум, млн. дона	млн. дона	763,5	873,1	1000,6	1165,6	152,6
Жун (физик оғирликда)	минг тон.	12,5	13,5	14,7	16,0	128,0
Қоракўл тери	минг дона	246,9	274,6	322,8	390,2	158,0
<b>Ҳосилдорлик:</b>						
Дон ва дон дуккакклилар	ц /га	45,2	47,6	49,4	52,2	115,5
Картошка	ц /га	147,7	156,4	164,4	175,2	118,6

<sup>5</sup> Сельское хозяйство Узбекистана 2005, статсборник, Госкомстат, Ташкент-2006

Сабзавот	ц /га	201,3	211,4	219,8	230,7	114,6
Полиз	ц /га	174,9	186,1	200,9	213,4	122,0

Кейинги йилларда деҳқон хўжалиklarининг сони сезиларли даражада ошиб, 2005 йилда 2002 йилдагига нисбатан 135,3 %ни ташкил этди. 2005 йилда улар тасарруфида 441,9 минг гектар экин майдони, шу жумладан 208,2 минг гектар дон экинлари, 6061,3 минг бош йирик шохли қорамоллар ва 8417,7 минг бош қўй ва эчкилар мавжуд эди. Ўтган 2002-2005 йиллар оралиғида деҳқон хўжалиklarида дон ишлаб чиқариш 128,0 %га, картошка 123,6 %га, сабзавотлар 121,8 %га, полиз 123,0 %га, гўшт маҳсулотлари 124,8 %га, сут 124,4 %га, тухум 152,6 %га ўсганини қайд этиб ўтиш жоиз. Деҳқон хўжалиklarида дон, картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлиги бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан деярли 1,5 – 2 баробар юқори бўлмоқда.

#### 17-жадвал

#### Деҳқон хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги салмоғи (барча тоифадаги хўжалиklarга нисбатан %да)

Кўрсаткичлар	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й
<b>Экин майдонлари ва чорва моллари бош сониди</b>					
Жами экин майдони, ш.ж.	11,2	11,4	11,1	11,7	12,1
Дон экинлари	12,9	12,3	11,1	12,0	12,9
Картошка	82,3	86,5	88,6	86,6	90,4
Сабзавотлар	68,7	71,6	64,6	70,8	72,2
Полиз экинлари	38,8	42,4	38,2	44,1	46,6
Ем-хашак экинлари	16,1	18,0	19,4	22,8	21,8
Йирик шохли қорамол	87,8	88,9	90,2	91,3	92,2
ш.ж. сигирлар	91,1	91,8	92,7	93,6	94,2
Қўй ва эчкилар	70,0	70,3	72,1	72,8	74,2
Чўчқалар	49,5	55,8	51,1	56,8	63,7
Паррандалар	62,5	62,6	63,8	68,2	71,0
Отлар	72,8	74,3	76,1	77,9	79,5
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида</b>					
Дон маҳсулотлари	18,8	15,7	16,0	17,4	17,5
Картошка	85,1	88,6	90,0	89,7	92,0
Сабзавотлар	74,5	76,0	70,3	77,3	77,2
Полиз маҳсулотлари	62,3	63,8	56,5	61,4	61,2
Мева	60,4	59,0	62,4	61,2	59,7
Узум	38,3	44,3	54,4	44,1	46,7
Гўшт	91,9	93,3	93,7	94,0	94,5
Сут	94,8	95,2	95,9	96,4	96,8
Тухум	60,3	55,8	53,5	53,8	59,3
Жун	77,0	75,5	76,2	77,2	79,6
Қорақўл тери	34,3	35,9	39,7	47,8	56,7

Деҳқон хўжалиklари 2005 йилда дон маҳсулотларининг 17,5 %ини, картошканинг 92,0 %ини, сабзавотларнинг 77,2 %ини, полиз маҳсулотларининг

61,2 %ини, гўштининг 94,4 %ини, сутнинг 96,8 %ини, тухумнинг 59,3 %ини етиштириб бердилар.

### **III. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **3.1. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва йўналишлари**

Бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни бу соҳани ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг аҳамиятига қуйидагича баҳо беради: **“Аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислохотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик<sup>6</sup>”**.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Мулкчилик муносабатлари тубдан қайта қурилди, кўп укладли, мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналар вужудга келди, уларнинг мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг **асосий мақсади** - инсон омилининг роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан мафаатдорлиги ва жавобгарлигини оширишдан иборат.

#### **Иқтисодий ислохотларнинг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:**

- қишлоқда мулк муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ҳақиқий ер, маҳсулот ва мулк эгаларини шакллантириш;
- чекланган ер-сув ва бошқа моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга имкон яратувчи хўжалик юритиш тизимини жорий этиш;
- фермер хўжаликлари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи тизим – ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш;
- шартнома муносабатларини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдорлигини ва жавобгарлигини таъминлаш;
- саноат ва аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш.

**Республика қишлоқ хўжалигида босқичма босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд :**

- Маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар;
- Мулк ва таркибий ислохотлар;
- Ер-сув ислохоти;
- Нарх ислохоти;

---

<sup>6</sup> И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995, 59-60 б.

- Молия – кредит ва солиқ ислоҳоти.
- Ташкилий-институционал ислоҳотлар.

Қишлоқ хўжалиги амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий йўналишлари

Иқтисодий ислохотлар йўналишлари





## 3.2. Маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг моҳияти ва йўналишлари

### 3.2.1. Ислоҳотларнинг қонуний-меъёрий асосларини яратиш

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизларини яратишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бу масалага алоҳида эътибор қаратиб: **”Аввал бошданок биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик – зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини яратиб бўлмайди”**<sup>7</sup>, - деган эди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичлариданок ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий-меъёрий негизини шакллантиришда энг аввало қуйидаги тамойилларга таянилди:

- қишлоқ хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан самарали тармоқ таркибини ва ташкилий-бошқарув тузилмасини яратиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;
- турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари жорий этиш;
- бозорнинг очиқлигини таъминлаш ва барча хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг шароитларда, самарали фаолият юритишига имкон берувчи ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш;
- монополияга қарши кураш ва адолатли рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш;
- хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини ҳимоялаш ва уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини белгилаш;
- қонунлар устуворлигини таъминлаш ва унинг мониторинги.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид фундаментал, барқарор ва узоқ амал қиладиган меъёрий қоидалар Қонунлар қабул қилиш билан амалга оширилмоқда. Бугунги кунга келиб тармоқ ривожланишига хизмат қиладиган энг асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Булар жумласига «Ер Кодекси», «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа 20 дан ортиқ қонунларни киритиш мумкин (5-илова). Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлиги оширишга қаратилган муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқиладиган ва унинг фармонларида ўз ифодасини топомқда. Кейинги йилларда республика Президентининг қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор фармонлари қабул

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, - Т.:Ўзбекистон, 1995.

килиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3226 “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги, ПФ-3342 “2004 – 2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги, ПФ-3406 «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва ПҚ-255 «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, ПҚ-215 «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиklarига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг (5-илова) қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишни жадаллаштириш ва янгича хўжалик юритиш тизимининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшди.

Президент Фармонлари ва қарорларида қабул қилинган ечимлар ҳукумат қарорларида ҳуқуқий жиҳатдан атрофлича ёритилиб, уларни амалга оширишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланмоқда. Хусусан, 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли “2004 - 2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли “2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларнинг аҳамияти юқори бўлди.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашда меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши муҳимдир. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган меъёрий ҳужжатлар тўпламлари ишлаб чиқилган. Бу меъёрий ҳужжатлар ер-сув ва моддий-техникавий ресурслардан самарали фойдаланиш, шартномавий муносабатлар, молиявий маблағлар ва кредитлар, давлат буюртмаси бўйича етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар каби бир қатор фаолият турларини тартибга солади. Ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш маъмурий, ташкилий, иқтисодий ва институционал характердаги чора-тадбирлари мажмуасини ифода этиб, уларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича қонуний-меъёрий ҳужжатларни яратиш.
2. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда кафолатлаш.
3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини юксалтиришга қаратилган иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш чораларинининг ҳуқуқий асосларини яратиш.
4. Қишлоқ хўжалигининг ривожланишига кўмаклашувчи институционал ва бозор инфратузилмаларни барпо этиш ва қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш.

### 3.2.2. Шартномавий муносабатларни такомиллаштириш

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бозор шароитида хўжалик юритиш субъектлари орасидаги муносабатлар асосан шартномалар орқали тартибга солинади. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни қуйидаги қонунчилик ҳужжатлари тартибга солиб туради:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004 - 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш артиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари асосан учта турдаги шартномаларни тузади:

- контрактация шартномалари;
- моддий-техника ресурслари етказиб бериш бўйича шартномалар;
- хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар.

**Контрактация шартномаси бўйича** хўжалик бундай маҳсулотларни қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи шахсга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган муддатларда бериш мажбуриятини олади, тайёрловчи эса муайян нарх бўйича келишилган муддатларда ҳақ тўлаб ушбу маҳсулотларни сотиб олиш мажбуриятини олади.

**Моддий-техника ресурслари** (эхтиёт қисмлар, уруғлик, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқалар) **етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома бўйича** етказиб берувчи ташкилот хўжаликка ўзи ишлаб чиқарадиган ёки харид қиладиган моддий-техника ресурсларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш учун келишилган муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади, хўжалик эса моддий-техника ресурсларини қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**Хизматлар кўрсатиш** (ишларни бажариш) **юзасидан тузилган шартнома бўйича** бажарувчи ташкилот хўжалик буюртмасига биноан механизациялашган ишларни бажариш, сервис, агрокимё, агротехника хизматлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини олади, хўжалик эса ушбу

ишлар (хизматлар)ни қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Тузиладиган шартномаларда қуйидаги шартлар мустаҳкамланиб қўйилиши шарт:

- шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича);
- шартноманинг умумий суммаси;
- томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;
- маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);
- идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;
- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклар жўнатиш реквизитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой.

Шартнома муносабатларини тартибга солиш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қуйидаги ваколатларга эга:

⇒ давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек, контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириб бориш;

⇒ хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини кўриш.

Қонунчиликда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан шартномалар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказишнинг аниқ муддатлари белгилаб берилган. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тайёрлов, моддий-техника таъминоти ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномаларини тузиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш 7 босқичда амалга оширилади (-чизма).

Қишлоқ хўжалиги корхоналари агротехника тадбирлари бошланишидан бир ой олдин шартнома тузиш бўйича тайёргарлик ишларини олиб боришлари лозим. Шартнома лойиҳасини кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш ва хўжаликларга бериш ишлари 15 иш кунидан ошиб кетмаслиги лозим. Шартнома қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказди.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида шартномаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарлари юритилади, уларда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

- шартноманинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами;
- шартнома тузилган сана;
- шартнома рўйхатдан ўтказилган сана;
- шартноманинг томонлари;
- етказиб бериладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар (бажарилган ишлар) турлари ва миқдори (ҳажмлари);
- шартнома суммаси;
- рўйхатдан ўтказилган шартномани олган шахснинг имзоси ва сана.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш босқичлари**

<b>Босқичлар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>	<b>Масъуллар</b>
1-босқич	Шартномалар тузишга тайёргарлик кўриш	Агротехника тадбирлари бошланишидан бир ой олдин	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
2-босқич	Шартномаларни кўриб чиқиш ва имзолаш	7 кун мобайнида	Қишлоқ хўжалиги корхоналари
3-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш учун бериш	3 кун мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
4-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш	3 иш куни мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари
5-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказгандан кейин тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотларга бериш	Рўйхатдан ўтказилгандан кейин 1 кун мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари
6-босқич	Рўйхатдан ўтказилган шартномаларни хўжаликларга бериш	Рўйхатдан ўтказилгандан кейин 2 кун мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
7-босқич	Шартномаларни сақлаш	Барча шартнома шартлари бажарилгандан кейин 3 йил мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари

### **3.3. Мулкый ва таркибий ислохотларнинг моҳияти ва йўналишлари**

#### **3.3.1. Мулк ислохоти:**

- Давлат мулки тугатилиб, жамоа мулкига айлантирилди;
- Қишлоқ хўжалигида мулк “давлат мулки” ва “жамоа мулки” (ширкат ва жамоа хўжаликлари) шаклидан “хусусий мулк” (деҳқон ва фермер хўжаликлари) шаклига ўтказилмоқда;
- Жамоа мулки бўлган боғ ва токзорлар, чорва фермалари ва моллари, техникалар ва бошқа мол-мулклар хусусийлаштирилмоқда

#### **3.3.2. Зарар келтириб ишлаётган истиқболсиз ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айлантириш**

Кейинги йилларда зарар келтириб ишлаётган ширкат хўжалиklarини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжалиklarига айлантириш борасида йирик тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар, жумладан, 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли ва 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар билан истиқболсиз ширкат хўжалиklари босқичма-босқич тугатилиб, улар негизда фермер хўжалиklари ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

**15-жадвал**

#### **Республикада 1999-2006 йиллар оралиғида зарар келтириб ишлаётган ва истиқболсиз ширкат хўжалиklари негизда ташкил этилган фермер хўжалиklари**

<b>№</b>	<b>Йиллар</b>	<b>Тугатилган ширкат Хўжалиklари сони</b>	<b>Улар негизда ташкил этилган фермер хўжалиklари сони</b>
1.	1999 йилда	8	440
2.	2000 йилда	8	479
3.	2001 йилда	52	3031
4.	2002 йилда	91	3822
5.	2003 йилда	177	11383
6.	2004 йилда	326	15161
7.	2005 йилда	445	25023
8.	2006 йилда	666	74124
	Жами	1773	133463

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган фермерчиликни ривожлантиришга оид вазифалар:**

- Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш борасида 2005-2007 йилларга мўлжалланган Дастур ижросини таъминлаш;

- ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишларини ошкора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказиш;

- фермерларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш;

- фермерларга бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш;

- барча томонларнинг қабул қилинган шартнома мажбуриятларини бажариши юзасидан қатъий интизом ўрнатиш.

#### **Фермер хўжаликларига устуворлик берилишининг сабаблари:**

- умумий (жамоа) мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш;

- умумий (жамоа) жавобгарлигидан шахсий жавобгарликка ўтиш;

- моддий-техник ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва пировард натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

- мол-мулк ва ишлаб чиқаришга бўлган шахсий муносабат ва моддий рағбатни ошириш;

- фермер ягона мулк эгаси бўлиб, хўжаликнинг устав капиталини ўзи шакллантиради ва ва уни мустақил бошқаради;

- бошқариш, сотиш ва бошқа операция сарфлари билан боғлиқ ноишлаб чиқариш харажатлари кескин камаяди;

- фермернинг маҳсулот етиштириш, сотиш ва даромаддан фойдаланишда мустақил эркинликка эга эканлиги;

- "Яхши меҳнат қилган деҳқон яхши даромад олиши ва пировард натижада яхши ҳаёт кечириши керак" деган тамойилнинг амал қилиши;

- жаҳон тажрибасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигидаги энг асосий хўжалик юритиш шакли эканлиги;

- ер участкаларини 30-50 йил муддат билан ижарага олганда ердан асраб-авайлаб фойдаланишга, тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб боришга рағбат уйғониши;

- фермернинг юридик шахс сифатида фаолият юритиши, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартномаларни мустақил тузиши ва мажбуриятлар бўйича жавоб бериши;

- ширкат хўжаликлари билан қиёсий таққослаганда фермер хўжаликларида моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги юқори эканлиги ва бошқалар.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги фармонида фермер хўжаликларини шакллантиришнинг қуйидаги тамойиллари белгилаб берилган:**

- фермер хўжаликлари қоида тариқасида, тугатиладиган, зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилади;

- фермер хўжаликлари танлов асосида нафақат зарар билан ишлаётган ва истиқболсиз ширкатлар негизида, балки захирадаги ерлар, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳисобига ҳам барпо этилиши мумкин;

- фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;

- ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, яъни 50 йилгача ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади;

- фермер хўжаликларига бериладиган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади;

- фермер юридик шахс мақомига эга бўлиб, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномаларни мустақил равишда тузади ва унинг бажарилишига томонлар билан тенг ҳуқуқда жавоб беради.

**Зарар келтириб ишлаётган, истиқболсиз ва паст рентабелли хўжаликларни фермер хўжаликларига айлантириш қуйидаги тартиблар асосида амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январда қабул қилинган 8-сонли “Қишлоқ хўжаги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига билан тасдиқланган):**

▪ “Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия тўғрисидаги Намунавий Низом”;

▪ “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги Низом”;

▪ “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантиришда активлар ва пассивларни тақсимлаш Тартиби”;

▪ “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш Тартиби”.

**Фермер хўжаликларини ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлашда ошкораликни таъминлаш чоралари:**

➤ танловни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 4 январда 1439-сон билан рўйхатга олинган “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги Низом”га қатъий риоя қилган ҳолда олиб бориш;

➤ танловда қайта ташкил этиш комиссияси аъзоларининг тўлиқ қатнашишини таъминлаш;

➤ танловда даъвогарларнинг барчасини қатнашишини таъминлаш;

➤ танловда туман ҳокимининг кузатувчи сифатидаги иштирокини таъминлаш;



➤ танловда иштирок этиш учун даъвогарларнинг имкониятларини аниқлашга имкон берувчи кўрсаткичларни баҳолашда компьютердан фойдаланишни ташкил этиш;

➤ танловда ғолиб чиққан даъвогарлар бўйича жамоатчилик кенгашининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш.

Фермер хўжалиги ташкил этиш учун танлов ўтказишда талабгорларнинг имкониятларини баҳолаш мезонлари:

<b>Баҳолаш мезонлари:</b>	<b>Рейтинг баллари</b>
Мутахассислиги	5-10
Қишлоқ хўжалигидаги иш стажи	6-10
Маълумоти	5-10
Пул маблағлари ва мол-мулки	4-10
Ишга яроқли техника	1-10
Шартноманинг бажарилиши (охирги 3 йилда)	4-10
Бизнес режанинг иқтисодий асосланганлиги	5-10

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси қабул қилиниб, унда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишлари белгилаб берилган:

<b>Ердан фойдаланиш муносабатларини такомиллаштириш соҳасида</b>	- фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш.
<b>Молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш соҳасида</b>	- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шакллари такомиллаштириш, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш; - тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг фермерликни ривожлантиришга йўналтираётган кредит ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш; - кредит таваккалчилигини суғурталовчи институционал тузилмаларни кенг ривожлантириш; - фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш; - фермерларнинг барқарор даромад олишлари учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги

	мутаносиблик, яъни «баҳолар паритети»ни сақлаб бориш.
<b>Моддий-техника таъминоти ва сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш соҳасида</b>	- қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш; - илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш.
<b>Маҳсулот сотиш соҳасида</b>	- маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш.
<b>Ҳуқуқий ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш соҳасида</b>	- фермер хўжаликларининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларига риоя этилишини назорат этиш; - фермерларнинг тадбиркорлик эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза этиш, қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ва ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик.
<b>Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида</b>	- бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш.

Республикада фермер хўжаликларини ривожлантириш даврини шартли равишда **3 босқичга** бўлиш мумкин.

#### **I-босқич – 1989-1997 йиллар.**

Фермерлик ҳаракатини шакллантиришнинг дастлабки пойдеворлари қўйилди:

⇒ 1991 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 295-сонли «Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустақамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги

Фармони қабул қилинди. Бу фармоннинг қабул қилиниши республикада фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун дастлабки ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди;

⇒ 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон (фермер) хўжалиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлсада фермер хўжалиklarини ташкил этиш бўйича етарли даражада ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлмаган;

⇒ Фермер хўжалиklarини ташкил этишда хато ва камчиликлар бўлган яъни ташкил этишда умумий йиғилиш (амалда ширкат хўжалиги раҳбари)нинг ҳошиш-иродасига боғлиқ бўлган субъектив жараёнга айланиб қолган.

### **II-босқич – 1998-2001 йиллар.**

Бу давр фермерчилик ҳаракатини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

⇒ Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди;

⇒ Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айлантириш механизми ишлаб чиқилди ва тажриба тариқасида амалиётда қўлланила бошланди;

⇒ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 майдаги 243-сонли қарорига асосан Хоразм вилоятидаги 8 та ширкат хўжалиги танлов асосида фермер хўжалиklarига айлантирилди;

⇒ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 25 декабрдаги 543-сонли қарори билан 8 та ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжалиklarига айлантирилди;

⇒ Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 516-сонли қарорига асосан 52 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида фермер хўжалиklари ташкил этилди.

### **III-босқич – 2002-2007 йиллар.**

⇒ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 майдаги 8-сонли қарори билан паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжалиklarни фермер хўжалиklarига айлантириш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар тўплами тасдиқланди ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун мукаммаллашган даражада ҳуқуқий база яратилди;

⇒ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли Фармони қабул қилинди;

⇒ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони қабул қилинди;

⇒ Республикадаги зарар келтириб ишлаётган ва истикболсиз ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айлантиришнинг бир неча йилларга мўлжалланган дастурлари қабул қилинди;

⇒ 2004 йилда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва бу қонун билан фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер ажратиш танлов орқали амалга оширилиши ҳаётга жорий этилди;

⇒ Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 майдаги 8-сонли қарори билан 83 та ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжалигига айлантирилди;

⇒ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги 38-6-сонли қарори билан 177 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негиздан фермер хўжаликлари ташкил этилди;

⇒ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан 284 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди;

⇒ Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарорига асосан 406 та ширкат хўжалиги тугатилиб, янгидан фермер хўжаликлари ташкил этилди;

⇒ Республика бўйича 26 та туманда барча ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизда фермер хўжаликлари ташкил этилди;

⇒ Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сонли Фармони қабул қилинди;

⇒ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-255-сонли қарорига асосан 210 та ҳамда Ҳукумат комиссиясининг қарори бўйича қўшимча равишда 9 та, жами 219 та ширкат хўжаликлари тугатилди ва улар негизда 39064 та фермер хўжаликлари ташкил этилди;

⇒ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 7 ноябрдаги ПҚ-215-сонли қарорини ижроси бўйича 447 та ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизда 34966 та фермер хўжаликлари ташкил этилди.

**Фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг самарадорлиги юксалиши натижасида қуйидаги натижаларга эришилган:**

- шахсий ва хусусий мулкчилик ривожлантирилиб, фермер хўжаликларида мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгариб, уларда мулкка нисбатан эгалик ҳиссиёти шаклланди;

- фермер мулк эгаси бўлиб, унга хўжаликнинг устав капиталини ўзи шакллантириб, уни мустақил бошқариш имконияти берилди;

- давлат ерини 30 йилдан 50 йилгача ижарага берилиши натижасида фермерларда ердан оқилона фойдаланиш борасида чуқур ҳиссиёт шаклланди;

- фермер юридик шахс мақомига эга бўлиб, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномаларни мустақил равишда тузиб, унинг бажарилишига томонлар билан тенг ҳуқуқда жавоб бериш ҳиссиёти шаклланди;

- давлат буюртмасидан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотга эркин баҳо қўя олиш ва сотиш ҳуқуқига эга бўлди;

- ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишдан келган соф фойдани мустақил тасарруф этиш имконияти шаклланди;

- фермер мулк эгаси сифатида ишлаб чиқаришни юритиш учун ишчи кучларини ихтиёрий меҳнат шартномалари асосида юритиш.

**Фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги муаммолар**

- ташкил этилган фермер хўжаликларининг кўпчилик раҳбар ва ходимлари малакасизлиги (шунингдек ҳуқуқий билимларини етмаслиги);

- фермер хўжаликларини иқтисодий муносабатларида эркинлик этишмаслиги;

- фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ва маҳсулот қабул қилувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома шартларини мазкур ташкилотлар томонидан бажарилмаслиги ва уларга нисбатан етарли чоралар кўрилмаётганлиги;

- айрим ҳолатларда фермер хўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашувлар.

Тугатилаётган ширкат хўжаликларининг асосий воситаларини (қишлоқ хўжалиги техникалари, чорва моллари, бинолар ва бошқаларни) тугатилишдан олдин арзон нархларда хусусийлаштириш (сотиб юбориш) ҳолатлари кузатилмоқда.

Тугатилган хўжаликларнинг мавжуд ер майдонлари тўлиқ фермер хўжаликларига тарқатиб берилмасдан ноқонуний равишда ташкил этилган уюшма, бирлашмаларни сақлаб туриш учун қолдирилмоқда.

Тугатиладиган ширкат хўжаликларини тугатилишидан олдин қилган ишлаб чиқариш харажатларини (асосан уруғлик, шудгорлаш ва бошқа агротехника ишлари ҳамда моддий ресурслар сарфланиши ва бошқаларни) фермерларга расмийлаштиришда комиссиялар адолатсизликка йўл қўймоқдалар.

Аксарият ҳолатларда фермер хўжаликларига пахта ва ғалла экинларини жойлаштириш ва ҳосилдорликни белгилашда ернинг табиий ҳолати, бонитет бали, сув билан таъминланганлик даражаси инобатга олинмаяпти.

Таҷриба тариқасида Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ягона ер солиғининг 8-10 бараварга оширилиши фермерларнинг иқтисодий ночорлигига олиб келмоқда.

Тугатилган ширкат хўжаликлари негизида ташкил килинган фермер хўжаликларига, ширкат хўжалиги давридаги қора ва рангли металл топшириш мажбуриятлари юклатилмоқда.

**Фермер хўжаликларини янада ривожлантириш бўйича таклифлар:**

- фермерлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва лицензиялар бериш тизимини жорий этиш;

- фермер хўжаликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш;

- фермер хўжаликларига кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ўсиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари баҳолари ўсиши ўртасидаги нисбатни таъминлаб боровчи “Паритет тўғрисида” қонун қабул қилиш;

- фермер хўжаликларини самарадорлигини ошириш учун уларни иқтисодий жазолаш (жарималар ёрдамида) ва иқтисодий рағбатлантириш (имтиёзлар ва мукофотлар ёрдамида) тизимини жорий этиш (солиқ тизимини такомиллаштириш);

- “Давлат буюртмаси тўғрисида” қонун қабул қилиш;

- “Ер унумдорлиги тўғрисида” қонун қабул қилиш;
- Мехнат муносабатлари тизимини такомиллаштириш.

#### **Фермер хўжаликларига давлат томонидан берилган имтиёзлар:**

- фермерлар ташкил этилган пайтдан бошлаб икки йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди;
- фермер лойиҳа асосида ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;
- Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг рухсатисиз фермерлар фаолиятини текширишга чек қўйилди;
- хорижий технологияларни олиб кирган дехқон ва фермер хўжаликлари божхона тўловларидан озод қилинди;
- янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармояларни бериш йўлга қўйилди;
- Уюшма томонидан ташкил этилган ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни ташкил этилган вақтдан бошлаб беш йил муддатга даромаддан олинадиган солиқдан озод этилди.
- фермер хўжаликларига лизинг асосида техникалар берилди бошланди;
- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилмоқда;

#### **3.3.3. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш**

- Мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган барча қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкатларни) ихтисослашган йўналишини сақлаб қолган ҳолда фермер хўжаликларига айлантириш;
- Фермер хўжаликларини ташкил этишни Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни талабларига мувофиқ амалга ошириш, ким-ошди савдолари орқали ғолибни аниқлашда ошкоралик, объективлик ва ҳаққонийлик тамойилларига амал қилиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишни ташкил қилишда ўз меҳнати натижаларини, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва даромадларини тасарруф этишда фермерлар мустақиллиги ва ҳуқуқларини кенгайтириш;
- Фермерларнинг ер-сув ресурсларидан фойдаланишдаги ва шартномавий мажбуриятларини бажариш бўйича моддий ва ҳуқуқий жавобгарлиги ошириш;
- Қайта ташкил этилаётган ширкат хўжаликлари ҳудудида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини (муқобил машина-трактор парклари, сувдан

- фойдаланувчилар уюшмалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш шохобчалари, мини-банклар ва бошқаларни) ташкил этиш;
- Фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналар, шу жумладан чет эл инвесторлари иштирокидаги ихтиёрийлик асосида агросаноат фирмаларини ташкил этиш;
  - Агрофирмаларнинг асосий таъсисчилари фермерларнинг ўзлари бўлишларига эътибор қаратиш.

**Мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тамойиллари:**

- Тугатилаётган ширкат хўжалиklarининг ер майдонлари танлов асосида фермер хўжаликларига берилади;
- Боғ ва узумзорлар фермерларга кимошди савдоси орқали (ер участкаларини ҳады қилиш, сотиш, гаровга бериш, айрибошлаш ва иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқисиз) узоқ муддатли ижарага берилади;
- Ким ошди савдосидан тушган маблағлар энг аввало кредиторлик қарзларини қоплашга ва қолгани пайчиларга мутаносиб равишда тақсимлаб беришга йўналтирилади;
- Фермер хўжалиklarининг фаолияти тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялаштириш тамойиллари асосида ташкил этилади;
- Фермер хўжаликлари ўз ихтисослашув йўналишларини сақлаб қолишлари лозим;
- Фермер хўжаликлари омонидан ер тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганда, ер-сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилмаганда, шунингдек, ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда шартнома муддатидан аввал суд орқали бекор қилиниши мумкин;
- Фермер хўжалиklarида фермернинг ўз оила аъзолари ҳамда вақтинчалик (мавсумий) ёлланма ишчилар билан меҳнат муносабатлари меҳнат шартномалари тузиш орқали тартибга солинади;
- Мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarининг қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро муносабатлари узоқ муддатли шартномалар, фьючерс шартномалари асосида маҳаллий ҳокимият органларининг аралашувисиз амалга оширилади.

### **3.3.4. Агрофирмаларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари**

- Агрофирмалар фермер хўжаликлари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади;

- Агрофирмаларнинг таъсисчилари таркибига фермерлардан ташқари яқин худудда жойлашган мева, сабзаёт ва узумни қайта ишловчи корхоналар ҳам кириши мумкин;

- Агрофирмалар ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда, шу жумладан чет эл инвесторлари билан тузиладиган қўшма корхоналар кўринишида ҳам ташкил этилиши мумкин;

- Фермер хўжалиқларининг агрофирмалар таркибига кирувчи қайта ишловчи ва бошқа корхоналар билан иқтисодий муносабатлари улар ўртасида узоқ муддатга тузиладиган тенг ҳуқуқли шартномаларга асосланади;

- Шартномаларда томонларнинг кафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан қайта ишловчи корхоналар томонидан сотиб олинган маҳсулот қийматининг камида 30 %и ҳажмидаги бўнак суммаси аниқ кўрсатилади;

- Фермер хўжаликлари – агрофирмалар таъсисчилари, шартномадан ортиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўз ихтиёрларига кўра ички ёки ташқи бозорларда эркин сотиш ҳуқуқига эга.

**Мева-сабзаётчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва агрофирмаларга давлат томонидан берилган имтиёзлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги №ПҚ-255-сонли қарорига асосан тугатилаётган ширкатлар негизида ташкил этилаётган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинди.

- Ташкил этилаётган агрофирмалар давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 5 йил давомида ер ва мулк солиғидан озод этилади.

### **3.3.5. Чорвачилик тармоғида ислохотларни чуқурлаштириш**

Республикада чорвачилик тармоғини жадал суръатлар билан ривожлантиришга жиддий эътибор билан қаралмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Аҳолининг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида бу тармоқни ривожлантириш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, қуйидагилар кўзда тутилган:

- ◆ аҳолини насли моллар билан таъминлаш учун жойларда аукционлар ташкил этиш;

- ◆ аҳоли тасарруфидаги чорва молларини сунъий қочириш ва касалликлардан ҳимоялаш мақсадида ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғини қошида зооветринария пунктлари ташкил этиш;



◆ қишлоқ ҳудудидаги ҳар бир хонадонда ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари бўлишига ва уларнинг бош сонини муттасил кўпайиб боришига эришиш;

◆ қишлоқ жойларда ем-хашак ва озуқа сотиш билан шуғулланувчи омборлар тармоғига эга ихтисослашган савдо тармоқларини очиш;

◆ чорва молларини сотиб олиш учун аҳолига имтиёзли микрокредитлар кредитлар беришни йўлга қўйиш;

2010 йилгача наслчилик йўналишидаги чорвачилик корхоналари ва хўжаликларини наслчилик чорвачилигини ривожлантириш мақсадида республикамизга олиб кириладиган наслчилик материаллари, технологик ва ёрдамчи ускуналар учун бож тўловларидан (божхонада расмийлаштириш билан боғлиқ йиғимлардан ташқари) озод этиш.

### **3.4. Ер-сув ислохотларнинг моҳияти ва йўналишлари**

#### **Ер-сув муносабатлари**

Ер ресурсларидан фойдаланиш.

Сув ресурсларидан фойдаланиш.

Ижара шартномаси.

Ер солиғи.

Тупроқ унумдорлиги.

#### **3.4.1. Ер ислохоти:**

⇒ 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказилди;

⇒ Ер участкалари хўжалик юритувчи субъектларга фақат туман ҳокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;

⇒ Ер участкалари ижарага 30 йилдан 50 йилгача берилиши белгилаб қўйилди;

⇒ Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди;

⇒ Ўз маблағи ҳисобидан ер ўзлаштиришни рағбатлантириш тизими жорий этилди.

#### **3.4.2. Сув ислохоти:**

❖ Ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий тамойилидандан ҳавза тамойилига ўтказилди;

❖ Республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва 1 та Фарғона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик Марказига эга бўлган магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди;

❖ Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этиш йўлга қўйилди;

❖ Сув ресурсларидан мукамал фойдаланишни таъминлаш учун соҳада бозор тамойилларига ўтиш белгиланди.

### **3.5. Молия-кредит, солиқ ва нарх ислоҳотлари**

#### **Иқтисодий муносабатлар**

Солиқлар ва тўловлар тизими.

Имтиёзлар.

Жарималар.

Молиялаштириш (кредитлаш ва бўнаклаш).

Инвестициялар.

Давлат буюртмаси.

Нарх шаклланиши.

#### **3.5.1. Нарх ислоҳоти:**

- Давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нарҳини жаҳон бозоридаги нарҳдан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди;
- Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нарҳини минтақавий бозорлардаги нарҳлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди;
- Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нарҳи бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланади.

#### **3.5.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини молиялаштириш ва кредитлаш сиёсати:**

Республикамизда фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Фермерчилик ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар ичида улар фаолиятини молиялаштириш муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини кредитлар билан таъминлаш масалалари долзарблигича қолмоқда. Маълумотларга кўра 2004 йили республикамиз деҳқон ва фермер хўжаликларига умумий қиймати 29204 млн. сўмлик жами 14602 та, 2005 йилда умумий қиймати 30391,6 млн. сўмлик жами 15196 та кредитлар ажратилган. «Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» томонидан 2005 йилда умумий қиймати 715,19 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилган. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда фермер хўжаликларини кредитлашда тижорат банклари асосий молиялаштириш манбаи бўлиб турибди.

Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ҳисобот даврида тезкор маълумотларга кўра тижорат банклари ва жамғармалар томонидан 5864 та фермер хўжаликларига жами 14073 млн. сўм миқдорида кредитлар берилган. Шунингдек, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан режалаштирилган 590 млн сўм ўрнига 797,4 млн. сўм миқдорида кредитлар тижорат банклари орқали берилди.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш учун «имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси» шакллантирилади ҳамда ҳар йили тижорат банклари фойдасининг 25 %и имтиёзли жамғармани шакллантиришга йўналтирилмоқда;

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли % ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- микрокредитлардан фойдаланганлик учун % ставкалари Марказий банкнинг расмий қайта молиялаш ставкасидан ошиқ бўлмаган ҳажмда, тижорат банкларининг махсус микрокредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилаётган бўлса, имтиёзли % ставкалари белгиланади;

- бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан фермер хўжаликларига бериладиган кредитлар учун имтиёзли % ставкаси кредитланаётган лойиҳаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, дастлабки сармояни шакллантиришга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида, фермер хўжалигини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми миқдорида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2002 йилдан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларга бўнак орқали молиялаштириш тажрибасидан босқичма-босқич воз кечилиб, тажриба тариқасида 5 вилоят миқёсида «Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан тижорат банклари («Пахтабанк» ва «Ғаллабанк» орқали) қисқа муддатли (3 %ли) имтиёзли кредит бериш тартиби жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига мувофиқ 2004-2005 йиллардан бошлаб ушбу тажриба барча вилоятларга жорий этилди.

Моддий ресурсларни молиялаштиришнинг бу турини фермерлар учун бўнакка нисбатан манфаатлилиги шундаки, улар бу маблағларни эркин ишлатиш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга, кредит %ининг пастлиги фермерлар учун уни қайтариш шартларини анча енгиллаштиради.

Фермер хўжаликлари ривожланиб бориши, уларнинг сони ва ишлаб чиқаришдаги салмоғи ортиб бориши билан кредит ресурсларига бўлган талаб ҳам кучайиб бориши табиий. Шундай экан, тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг фермерликни ривожлантиришга йўналтираётган кредит ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантирмоқ лозим. Шунингдек, кўп ҳолларда фермер хўжаликларида кредитни таваккалчиликдан (рискдан) ҳимоя қилиш учун талаб этиладиган гаровга қўйишда етарли мол-мулки бўлмаслигини эътиборга олиб, кредит таваккалчилигини суғурталовчи институционал тузилмаларни кенг ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, республикаимиз аграр тармоғида фермер хўжаликларини кенг ривожлантириш борасида жуда муҳим тадбирлар амалга оширилган. Бу тадбирларнинг натижаси ўлароқ қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйиб, ҳозирги энг асосий хўжалик юритиш шаклларида бирига айланиб улгурди. Республикаимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида бир қатор тадбирлар белгиланган бўлиб, улар изчил амалга ошириб борилмоқда. Фикримизча, бу имтиёзлар ва енгилликлар фермерлик соҳасини янада ривожлантириш ва мустақамлашга ўз ҳиссасини қўшади. Аммо, фермерликни янада тараққий этиши учун юқорида тилга олинган айрим жузъий камчилик ва муаммоларни самарали ечиш йўллари излаб топиш лозим.

#### **4. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника таъминоти, бозор инфратузилмалари ва сервис хизматини ривожлантириш**

##### **4.1. Бозор инфратузилмаси тизими**

1. Хизмат кўрсатувчи инфратузилма.

МТП (ММТП).

СФУ.

Минибанк.

Зооветеринария шахобчалари.

Консалтинг маркази.

Суғурта компанияси.

Коммуникация.

Тайёрлов инфратузилмаси.

Тайёрлов ташкилотлари.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш пунктлари.

2. Савдо инфратузилмаси

Нефт маҳсулотларини сотиш шохобчаси.

Кимёвий воситалар ва минерал ўғит сотиш шохобчаси.

Уруғчилик марказлари.

Зотли молларни сотиш шохобчаси.

Фермер хўжаликларига самарали хизмат кўрсатишни шакллантириш мақсадида Республика бўйича жами 975 та мини банклар, 1534 та муқобил МТПлар, 1301 та СФУлар, 882 та минерал ўғит, 1117 та нефт маҳсулотлари, 494 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш шохобчалари, 337 та чорва моллари сотиш ва зооветеринария хизмати, 270 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, 68 та транспорт хизмати, 72 та тара, идишлар ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш шохобчалари ҳамда 195 та агрофирмалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сонли Фармони ва 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-255-

сонли қарорига асосан ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш мақсадида 201 та муқобил МТПлар, 155 та СФУлар, 95 та минибанклар, 57 та ёқилғи мойлаш материаллари, 196 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 51 та минерал ўғитлар сотиш шохобчалари, 77 та транспорт хизмати, 30 та консалтинг ва маркетинг хизмати ва 73 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчалари, 195 та агрофирмалар ташкил этилди.

Мазкур инфратузилмалар томонидан ҳисобот даврида 3375,1 млн.сўмлик агротехтехник хизматлар (шартномага нисбатан 59,1%), 697,3 млн. сўмлик сув хўжалиги хизматлари (21%), 1457,2 млн.сўмлик маркетинг хизматлари (58,3%), 324,2 млн.сўмлик маҳсулот қадоқлаш хизматлари (64,8%) кўрсатилган бўлса, 11433 тонна ёқилғи мойлаш материаллари (44,5%), 10861 тонна минерал ўғитлар (72,5%) етказиб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 7 ноябрдаги ПҚ-215-сонли қарорига асосан ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш мақсадида 422 та муқобил МТПлар, 340 та СФУлар, 190 та мини банклар, 281 та ёқилғи мойлаш материаллари, 86 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 204 та минерал ўғитлар сотиш шохобчалари, 85 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, 131 та зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Мазкур инфратузилмалар томонидан ҳисобот даврида 8726,6 млн.сўмлик агротехтехник хизматлар (шартномага нисбатан 49,3%), 2374,7 млн. сўмлик сув хўжалиги хизматлари (56,2%), 1309,8 млн.сўмлик маркетинг хизматлари (80%), 79,9 млн сўмлик ахборот таъминоти ва консалтинг хизматлари (66%), 30,6 млн.сўмлик зооветеринария хизматлари (61,8%) кўрсатилган бўлса, 49275 тонна ёқилғи мойлаш материаллари (61,7%), 97227 тонна минерал ўғитлар (84,5%) етказиб берилган. Инфратузилмаларнинг фермер хўжаликлари билан хизматлар кўрсатиш ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича тузилган шартномаларда белгиланган ҳажмларнинг тўлиқ бажарилмаётганлигига асосий сабаб, уларнинг моддий-техника базасининг етарли даражада шаклланмаганлиги ҳамда мазкур инфратузилма субъектларида ишлаётган ходимларнинг етарли касбий малакалари ва айрим ҳолатларда масъулиятсизлигидир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент.: Ўзбекистон, 1995, 29 бет.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005, 96 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.
5. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни [янги таҳрири]. 2004 йил 26 август.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли қарорлари.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида”ги 2004 йил 4 ноябр Ф-2069-сонли фармойиши.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-215-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мевасабзавотчилик ва узумчилик соҳаларида ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-255-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги “2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-514-сонли қарори.


16. Беркинов Б.Б. Фермер хўжаликлари ривожланиши истикболлари: асосий тамойиллар ва шартлар / Частная собственность. 2003, №23 (439).
17. Беркинов Б.Б. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004 й. II ва IV боблар, 176 б.
18. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Оценка эффективности использования земельно-трудовых ресурсов в хозяйствах различной форм собственности. Тезисы докладов Международной научно-практической конференции на тему: «Повышение эффективности использования ресурсов в сельском хозяйстве в условиях рынка». НИИ РР в АПК 21-22 мая 2004 г.
19. Ташматов Р.Х. Инфратузилмалар: ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари. // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. № 3. 2006 й.

## ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ИНФРАТУЗИЛМАЛАР ТЎҒРИСИДА


Инфратузилмалар	2002 йилда	2003 йилда	2004 йилда	2005 йилда	2006 йилда	ЖАМИ
Мини банклар	141	105	196	260	273	975
Муқобил МТПлар	129	168	282	402	553	1534
Минерал ўғитлар сотиш шахобчалари	128	135	208	168	243	882
Нефт маҳсулотлари сотиш шахобчалари	140	138	236	321	282	1117
Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари	141	152	223	379	406	1301
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш шахобчалари			88	136	270	494
Чорва моллари сотиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш шахобчалари			91	116	130	337
Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш шахобчалари			60	102	108	270
Транспорт хизмати кўрсатиш шахобчалари					68	68
Тара, идишлар ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш шахобчаси					72	72
Аргофирмалар					195	195




**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ СОНИНИНГ ЎСИШИ**




**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕР МАЙДОНИНИНГ ҶСИШИ (ГЕКТАР ҲИСОБИДА)**




ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЯЛПИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШДАГИ УЛУШИ (%ДА)



БОШОҚЛИ ДОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ УЛУШИ, (%ДА)



ПАХТА ХОМ АШЁ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ УЛУШИ, (%ДА)



## Қишлоқ хўжалигида амал қилувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар рўйхати

№	Қонуний-меъёрий ҳужжат тури	Рақами	Сана	Қонуний-меъёрий ҳужжатлар номи
<b>Қонунлар</b>				
1.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	152-ХП	31.10.1990	Мулкчилик тўғрисида
2.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	427-ХП	19.11.1991	Ижара тўғрисида
3.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	873-ХП	6.05.1993	Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида
4.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	935-ХП	3.09.1993	Ветеринария тўғрисида
5.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	162-И	21.12.1995	Меҳнат Кодекси
6.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	165-И	21.12.1995	Наслчилик тўғрисида
7.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	257-И	29.08.1996	Фуқаролик Кодекси
8.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	267-И	29.08.1996	Уруғчилик тўғрисида
9.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	270-И	30.08.1996	Селекция ютуқлари тўғрисида
10.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	396-И	24.04.1997	Солиқ кодекси
11.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	598-И	30.04.1998	Ер Кодекси
12.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	604-И	30.04.1998	Деҳқон хўжалиги тўғрисида
13.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	600-И	30.04.1998	Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида
14.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	670-И	29.08.1998	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида
15.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	717-И	24.12.1998	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида
16.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	719-И	24.12.1998	Инвестиция фаолияти тўғрисида
17.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	756-И	14.04.1999	Лизинг тўғрисида
18.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	69-П	25.05.2000	Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида
19.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	116-П	31.08.2000	Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида

20.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	692-II	24.09.2004	Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрирда)
<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари</b>				
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-1030	05.01.1995	Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-1702	31.01.1997	Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид еўшимча чора тадбирлар тўғрисида
3.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-1987	09.04.1998	Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
4.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ- 2086	10.10.1998	Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида
5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3114	20.08.2002	Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида
6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3122	28.08.2002	Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3305	30.08.2003	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ивожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1987-сон фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида
8.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3226	24.03.2003	Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида
9.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3342	27.10.2003	2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида
10.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3406	11.03.2004	Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
11.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3618	14.06.2005	Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

12.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3619	14.06.2005	Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
13.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори	ПҚ-100	15.06.2005	Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида
14.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори	ПҚ-215	8.11.2005	2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
15.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони	ПФ-3709	09.01.2006	Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
16.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори	ПҚ-255	11.01.2006	Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида
17.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори	ПҚ-308	23.03.2006	Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари</b>				
1.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	232	27.05.1998	Кичик тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш хусусида
2.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 168	22.04.1998	Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида
3.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 75	04.03.2000.	Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес бошқа субъектларини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида
4.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 424	02.11.2000.	Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида
5.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 63	01.02.2001.	Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
6.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 366	10.09.2001	Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиklarини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида



7.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 8	05.01.2002	Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
8.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 79	14.02. 2003	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
9.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 93	19.02.2003	Пахта хом ашёси етиштиришда бозор принципларини амалга ошириш ва уни етиштиришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
10.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 201	01.05.2003	Қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиш тўғрисида
11.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 383	04.09.2003	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора–тадбирлари тўғрисида
12.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 476	30.10.2003	2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида
13.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 486	05.11. 2003	Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
14.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 33	23.01.2004	Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида
15.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 87	25.02.2004	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида
16.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 199	26.04.2004	Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
17.	Вазирлар Маҳкамасининг Қарори	N 607	24.12.2004	2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида

**Б.Т.Салимов, А.Абдуғаниев, М.С.Юсупов**

**Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни  
чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва  
ривожлантириш истиқболлари**

**Ўқув қўлланма**

Муҳаррирлар: Мирхидоятова Д.М., Вахабова М.М., Мирбобоева С.А.  
Компьютер вёрсткаси: Тошмухамедов С.А.

---

Босишга рухсат этилди 10.01.2007 й. Бичими 60x80 1/16  
Шартли босма табоғи 3,5. Адади: 300 нусха. –сонли буюртма

---

700063 Тошкент шаҳ., Ўзбекистон шоҳ кычаси, 49-уй, ТДИУ босмахоначи